

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 202-213 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА



Бегматова Шахло Фахриддин қизи,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail: begmatovashaxlo93@gmail.com

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш амалиётини бошқариш асослари, унинг тизимли муаммолари ва уларни ҳал этиш масалалари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг концептуал асослари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларига оид солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқлар ва солиққа тортиш, қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар турлари, қимматли қоғозлар бозори, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш, дивидендларни солиққа тортиш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда солиқ имтиёзлари.

Аннотация: В статье исследуются основы управления практикой налогообложения операций, связанных с ценными бумагами на современном этапе либерализации и модернизации экономики в Республике Узбекистан, ее системные проблемы и вопросы их решения. Рассмотрены концептуальные основы совершенствования системы налогообложения операций с ценными бумагами в перспективе социально-экономического развития страны. Изучены возможности совершенствования налогового администрирования по операциям с ценными бумагами в налоговой системе Республики Узбекистан и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: налоги и налогообложение, ценные бумаги, виды ценных бумаг, рынок ценных бумаг, операции с ценными бумагами, налогообложение операций с ценными бумагами, налогообложение дивидендов, налоговые льготы при операциях с ценными бумагами.

Abstract: In the article, at the current stage of the liberalization and modernization of the economy in the Republic of Uzbekistan, the basics of managing the practice of taxation of transactions related to securities, its systemic problems and issues of their solution are

researched. The conceptual basis of improving the system of taxation of transactions related to securities in the perspective of the socio-economic development of the country was considered. Possibilities of improving the tax administration related to securities transactions in the tax system of the Republic of Uzbekistan were studied and recommendations were developed.

Key words: taxes and taxation, securities, types of securities, securities market, transactions related to securities, taxation of transactions related to securities, taxation of dividends, tax benefits in transactions related to securities.

Кириш

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларда солиқларнинг барқарор тушумини таъминлаш, солиқ юкини изчил камайтириш негизда аҳоли реал даромадларини ошириш орқали иқтисодий ўсишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[1] да асосий устувор йўналиш сифатида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш» ва «аҳолининг молия бозоридаги иштирокини рағбатлантириш лозимлигини кўрсатади. Хусусан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, хусусан аҳолининг иштирокини ошириш мақсадида корпоратив облигацияларни ликвидлигини таъминлаш вазифаси белгиланган [2]. Агарда қимматли қоғозлар фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йилда қимматли қоғозлар бўйича тузилган шартномалар сони 98 фоизга ошди, ушбу шартномаларнинг сўмдаги қиймати эса 118 фоизга ошди. Аммо шартномалар яъни қимматли қоғозларнинг олди сотди шартномаси фақатгина Тошкент шаҳрида юқори миқдорга эга, қолган вилоятларда эса бу жуда паст. Тошкент шаҳридаги бу турдаги шартномаларнинг жамидаги улуши 95 фоизни ташкил этади [3].

Жаҳонда тўпланган бой тажрибалардан самарали фойдаланиш борасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндошувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга»[4] эканлигини таъкидладилар.

Жаҳон амалиётида қимматли қоғозлар бозори ривожланиши натижасида мазкур фаолиятнинг мамлакатлараро шакли оммалашиб, бир мамлакат тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматли қоғозлар бозори орқали бошқа мамлакат истеъмолчиларига инвестиция киритиш оддий ҳолатга айланиб бормоқда, ушбу жараёнларни тартибга солиш, уларни солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ

операциялар шаклида тадбиркорликни амалга ошираётган субъектларнинг даромадларини аниқлаш, уларни ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, иккиёқлама солиққа тортишни олдини олиш, унга нисбатан тўғри солиққа тортиш механизмларини ишлаб чиқиш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Бироқ, жаҳонда ушбу соҳанинг ривожланиш даражаси турли мамлакатларда турлича бўлганлиги, унга нисбатан қўлланилаётган солиққа тортиш механизмлари ушбу мамлакат даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан ишлаб чиқилганлиги ва унинг турлича эканлигига доир масалалар ҳануз ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимизда қулай бизнес ва инвестиция муҳитини яратиш баробарида қимматли қоғозлар бозори соҳасини ҳам кенг ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга қаратилган.

Қимматли қоғозлар бозори соҳаси ривожланаётган соҳа бўлганлиги сабабли уни тартибга солишнинг ўзига хос механизмларини жорий этишни талаб қилмоқда ва бу борада, аввало, ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда қимматли қоғозлар билан бозори билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ҳамда ушбу соҳа ривожини солиқлар ёрдамида рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимини ривожлантириш хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг доимий равишда диққат марказида бўлиб келаётган масалалардан биридир, чунки жаҳонда мазкур операциялар анчадан буён мунтазам равишда амалга оширилиб келмоқда.

О.Беломытцева ўз тадқиқот ишида қимматли қоғозлар бозорида хусусий инвесторлар учун солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг методологик масалаларини ёритган [5].

С.Пробин ўз тадқиқот ишида биржа ва биржадан ташқари бозорларда қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш жараёнида фойда солиғи бўйича солиқ базасини шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларни солиққа тортиш механизмининг янгилаш масалаларини тадқиқ этган [6].

А.Голояд томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортишнинг хориж тажрибалари тадқиқ қилинган бўлиб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш тизимининг ривожланиш хусусиятлари, уларда қўлланилаётган самарали восита ва усуллар атрофида ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш мумкин [7].

Маҳаллий олимлардан И.Бутиков томонидан қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўналишларига қаратилган қатор тадқиқот ишлари эълон қилинган. Бунда миллий фонд бозорида мавжуд активлар, эмитентлар таркиби ва фаоллиги, қимматли қоғозлар бозори имкониятларидан фойдаланиш ва унга таъсир кўрсатаётган омиллар, давлат

улушининг юқорилиги ва бу улушни хусусийлаштиришга қаратилган мулоҳазаларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим [8].

Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жал қилишни ривожлантириш йўллари масалалари А.Одилов томонидан тадқиқ қилинган [9]. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини такомиллаштиришга қаратилган масалалар Ф.Мухамедов томонидан тадқиқ қилинган [10]. Қ.Чинқулов томонидан эса акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштиришга оид [12], Х.Худойкулов томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар амалга оширилган [13].

Таҳлил ва натижалар:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 49-моддасига кўра, қимматли қоғозлар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайдиган, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутадиган пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари, депозитар тилхатлар, опционлар, фьючерс ва форвард контрактлари киради, шунингдек қонунчиликка ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлар деб эътироф этиладиган бошқа қимматли қоғозлар киради.

Қимматли қоғозларни эмиссиявий қимматли қоғозлар жумласига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки чет давлатларнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонунчилиги билан белгиланади.

Агар қимматли қоғозлар билан бажариладиган операция муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар мезонларига мувофиқ бўлса, солиқ тўловчи уни мустақил равишда солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар билан бажариладиган операциялар жумласига ёки муддатли битимларнинг молиявий воситаларига оид операциялар жумласига киритишга ҳақли.

Солиқ солиш мақсадида қимматли қоғозлар қуйидаги шартларга бир вақтнинг ўзида риоя этилган тақдирда қимматли қоғозларнинг уюшган бозорида муомалада бўлаётган қимматли қоғозлар (муомаладаги қимматли қоғозлар) деб эътироф этилади:

-улар қимматли қоғозлар савдоларининг ҳеч бўлмаганда битта ташкилотчиси томонидан муомалага киритилган бўлса;

-уларнинг нархлари (котировкалари) тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёхуд савдоларнинг ташкилотчиси ёки бошқа ваколатли шахс томонидан ҳар қандай манфаатдор шахсга қимматли қоғозларга доир операциялар амалга оширилган санадан эътиборан уч йил ичида берилиши мумкин бўлса;

-солиқ тўловчи бу қимматли қоғозларга доир битимни тузган санадан эътиборан ўтган кетма-кет уч ой ичида улар бўйича ҳеч бўлмаганда бир марта бозор котировкаси ҳисоблаб чиқарилган бўлса (бундан қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш чоғидаги бозор котировкасининг ҳисоб-китоби мустасно).

Қимматли қоғозларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашда унинг муҳим характерли белгиларини ёритиш талаб этилади (1-расм).



1-расм. Қимматли қоғозларнинг муҳим хусусиятли белгилари¹

Қимматли қоғознинг эквивалентлик хоссаси молиявий инструментларнинг бошқа турлари сингари бевосита ва билвосита, реал ва нисбий бўлиши мумкин. Ушбу хосса евазига қимматли қоғозлар уларни муомалага чиқарувчисининг «егиз-аналог» сифатида намоён бўлади.

Молия бозоридаги товарлик хоссаси эса уни бошқа турдаги товарлардан (қўчмас ва интеллектуал мулк, хом-ашё ва шу кабилар) фарқли ҳолда қимнингдир (эмитент, яъни муомалага чиқарувчи иқтисодиёт субъектлари) томонидан чиқарилиши, ўзига хос қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши, унда махсус функцияларни бажариши билан белгиланади. Бунда қимматли қоғозларнинг роли ва функциялари молиявий инструментлар сингари аниқланади.

Бозор хоссаси қимматли қоғозни пулга тенглаштиради, чунки у маълум шароитларда пулнинг функциясини бажара олади, тўлов воситаси сифатида қўлланилиши ҳам мумкин.

¹Расм тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қимматли қоғознинг фундаментал хоссалари айланувчанлиги, ликвидлилиги, жозибадорлилиги, рисклилиги ва шу каби бошқа кўрсаткичлар билан белгиланади. Умуман олганда, қимматли қоғозлар хоссаларини юқори сифат даражаси молия бозорининг самарали фаолиятини белгилайди.

Реал базисга эквивалент бўлган қимматли қоғозлар ёрдамида молия бозори орқали самарали инвестицион ва трансфер (тўлов) жараёнлари, иқтисодий субъектларининг мақсадли ва тартиблаштирилган иқтисодий-ҳуқуқий бозор муносабатлари амалга оширилади[13]. Бунда қимматли қоғоз алоҳида товар ва молиявий инструмент сифатида ўзида мужассамлаштирган реал капиталнинг (ёки эгалик ҳуқуқининг) ҳам эквиваленти, ҳам турли шакл ва мазмундаги «символи» бўлиб намоён бўлади. Мос равишда у ўзининг алоҳида молия бозорида махсус товар сифатида эркин муомалада бўлиб, бир вақтнинг ўзида параллел тарзда реал базисини ўзига хос бозоридаги долзарблилиги ва бозорбоплигини белгилайди. Ўз навбатида, реал базис ҳам ўзи мужассамлашган қимматли қоғознинг товар сифатида молия бозоридаги (эркин муомаласи жараёнидаги) хоссалари (маълум кўрсаткичлар билан ифодаланган) сифат даражасини белгилайди.

Натижада, ҳар қандай базис ва унинг эквиваленти бўлган қимматли қоғоз ўз бозорларида эркин муомалада бўлиб, бир бирига ўзаро мазмун касб этиб, узвий боғлиқликда, ҳар бири ўзининг алоҳида бозор хоссалари ва хусусиятларига эга бўлади. Бу қонуният қимматли қоғозни пул агрэгатлари таркибига киритилишини таъминлайди, унинг ёрдамида реал капитални параллел ҳаракатга келтирувчи ва унинг бозор қийматини орттирувчи алоҳида молиявий инструмент сифатида белгилайди.

Шунинг учун қимматли қоғоз «молия инструменти» сифатида «молия бойлиги» деб ифодаланади, унинг ёрдамида реал бойликларга (базисга) эга бўлиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса, молия бозори конъюнктурасига боғлиқ ҳолда бойликларни бир субъектдан бошқасига ўтишини (ҳаракатини) таъминлайди, натижада молия бозори орқали молиявий ресурсларнинг иқтисодийда самарали тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг қонуниятли жараёнини вужудга келишини таъминлайди.


Молия бозори – қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларнинг одди-сотдиси билан шуғулланадиган соҳаси ва қимматли қоғозлар муомаласи бўйича молиявий муносабатлар мажмуи бўлиб, унинг асосий вазифаси «жамғарма-инвестиция» механизмини ишга тушириш, энгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришга ва техника тараққиётига зарур бўлган молиявий маблағларни тўплаш ва тақсимлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг сармояларини жалб қилиш, уни янада кўпайтириш ва иқтисодий тармоқларига йўналтириш орқали иқтисодийнинг модернизациялашувини таъминлаш кабилардан иборат. Шунингдек, молия бозори ва унда фаолият кўрсатаётган воситачилар молиявий тизимнинг таркибий қисми бўлиб, ортиқча маблағларни инвесторлардан истеъмолчиларга қайта тақсимлаш жараёнини тезлаштиришга имконият беради.

Молия бозорида бир томондан – капитал етказиб берувчилар, бўш пул маблағларига эга бўлган шахслар, ушбу маблағларни инвестиция қилиш, кўпайтириш истагида бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, алоҳида

субъект сифатида давлат иштирок этади. Иккинчи томондан эса – янги ишлаб чиқаришни бошлаш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, энгайтириш, қайта таъмирлаш учун зарур бўлган бошланғич ёки қўшимча капиталга муҳтож бўлган бозор субъектларидир. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, капиталга талабгор сифатида корхоналар, ташкилотлар, аҳоли шунингдек давлат ҳам бевосита иштирок этиши мумкин.

Молия бозорида маблағларни жалб этиш мақсадида капиталга эҳтиёж сезувчилар қимматли қоғозларни муомаллага чиқаради ва уларни сотиш натижасида ишлаб чиқариш (савдо-сотик, молиявий фаолиятни самарали ташкил этиш) жараёнини амалга ошириш учун маблағлар олади. Капиталга талабгорлар (эмитентлар) ва етказиб берувчилар (сармоядорлар) ўртасидаги муносабатлар қайтарилиш, тўловлилик ёки мол-мулкка (моддий-маънавий) эгаллик ҳуқуқлари шартлари асосида амалга оширилади.

Молия бозорлари ташкилий тузилишига кўра бирламчи ва иккиламчи бозорларга ажратилади. Бирламчи бозорда биринчи марта чиқарилган акциялар жойлаштирилади ва олди-сотдиси амалга оширилади. Унинг асосий иштирокчилари бўлиб, эмитентлар ва инвесторлар ҳисобланади. Асосий ва айланма капиталга инвестициялар учун молиявий ресурсларга эҳтиёж сезувчи эмитентлар молия бозоридаги қимматли қоғозларга бўлган таклифни аниқлайди. Ўз капиталини самарали жойлаштирувчи инвесторлар қимматли қоғозларга бўлган таклифни шакллантиради. Айнан, бирламчи бозорда вақтинчалик бўш пул маблағлари иқтисодий инвестициялашга сафарбар етилади. Иккиламчи бозорда эса қимматли қоғозлар муомаласи амалга оширилади (илгари чиқарилган қимматли қоғозларни қайта сотиш шакли) (2-расм).



2-расм. Қимматли қоғозлар бозорининг таркиби²

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қимматли қоғозлар молиявий ресурсларни тўплаш, капитал бюджетни тузиш, инвестиция портфелини шакллантириш, молиявий рискларни тақсимлаш ва бошқариш, мулкчилик муносабатларини

²Расм тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ривожлантириш, олди-сотди муносабатларининг воситаси сифатида иштирок этиб, бозорни қайта тақсимлаш, давлат ва АЖлар (корпорациялар) қарзларини молиялаштириш мақсадида чиқарилади. Мамлакатимизда тўпланган тажриба ишлаб чиқариш инфратузилмасини кенгайтириш ва модернизация қилиш учун турли корхоналар, ташкилотлар маблағлари ва аҳолининг шахсий жамғармаларини фаол инвестициялаш имкониятлари юзага келтириляётганлигини тасдиқлайди.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда солиққа тортиш ўта муҳим рол ўйнайди, бозорнинг адолатли ва самарали ишлашини таъминлайди ва ҳукуматлар учун даромад келтиради. Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортиш тамойилларини тушуниш инвесторлар ва бозор иштирокчилари учун қодаларга риоя қилиш ва молиявий стратегияларини оптималлаштириш учун жуда муҳимдир.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш мураккаб ва ривожланаётган соҳа бўлиб, инвесторлар, ҳукуматлар ва назорат қилувчи органлар учун қийинчиликлар туғдиради. Солиқлардан қочиш, трансчегаравий операциялар ва тартибга солишнинг номувофиқлиги каби муаммолар молиявий бозорларда самарасизлик ва бузилишларни келтириб чиқариши мумкин. Қимматли қоғозлар билан операцияларни адолатли ва самарали солиққа тортишни таъминлаш учун ушбу муаммоларни тушуниш ва самарали эчимларни амалга ошириш жуда муҳимдир.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни солиққа тортиш, зарурияти ва тамойиллари.

Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортиш бир қанча муҳим мақсадларга хизмат қилади. Биринчидан, у ҳукуматларга давлат хизматлари ва инфратузилмасини молиялаштириш учун даромадларни оширишга ёрдам беради. Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича солиқлар умумий солиқ базасини шакллантиришга ёрдам беради ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, солиққа тортиш молия бозорларида ҳаддан ташқари чайқовчилик ва ўзгарувчанликни олдини олиш орқали бозор барқарорлигига ёрдам бериши мумкин. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларга солиқ қўйиш орқали ҳукуматлар рискларни юмшата олади ва янада тартибли бозор муҳитини таъминлайди.

Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Сармоядан олинadиган даромад солиғи: Қимматли қоғозларни сотиб олиш нархидан юқори нарҳда сотишдан олинган фойдадан капитал даромад солиғи ундирилади. Ушбу солиқ маълум бир давр учун ушлаб турилган инвестициялар учун пастроқ солиқ ставкаларини таъминлаш орқали узоқ муддатли инвестицияларни рағбатлантиради. Сармоявий даромад солиғи ставкалари ва имтиёзларини тушуниш инвесторлар учун инвестиция стратегияларини оптималлаштириш учун жуда муҳимдир.

2. Дивиденд солиғи: Дивиденд солиғи компаниялар томонидан акциядорларга тўланадиган дивидендлардан олинган даромадлардан олинади. Ушбу солиқ акциядорларнинг ўз инвестицияларидан олинган даромадларга солиқларнинг

адолатли улушини қўшишини таъминлайди. Турли юрисдиктсияларда инвесторларнинг солиқ тўлашдан кейинги декларацияларига таъсир қилувчи турли хил дивиденд солиғи ставкалари ва қоидалари бўлиши мумкин.

3. Транзакция солиғи: штамп божи ёки молиявий операциялар бўйича солиқлар каби операциялар бўйича солиқлар ҳар бир амалга оширилган қимматли қоғозлар бўйича операциядан олинади. Ушбу солиқлар ҳукуматларга даромад олишда ёрдам беради, шу билан бирга бозор беқарорлигига олиб келиши мумкин бўлган ҳаддан ташқари савдо фаолиятининг олдини олади. Инвесторлар умумий харажатлар оқибатларини баҳолаш учун инвестиция қарорларини режалаштиришда транзакция солиқларини ҳисобга олишлари керак.

4. Ҳисобот ва мувофиқлик: Тўғри ҳисобот бериш ва солиқ қоидаларига риоя қилиш қимматли қоғозлар билан операцияларда жарималар ва ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олиш учун муҳим аҳамиятга эга. Инвесторлар ўз операцияларининг аниқ ҳисобини юритиши, солиққа тортиладиган даромадлар тўғрисида тўғри ҳисобот беришлари ва солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш учун солиқ тўлаш муддатларига риоя қилишлари керак.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишдаги муаммолар ва ечимлар

Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш амалиётида ҳозирги кунда қуйидагича тизимли муаммолар мавжуд:

1. Солиқдан қочиш: Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишнинг асосий муаммоларидан бири солиқ мажбуриятларини минималлаштириш учун инвесторлар томонидан қўлланиладиган солиқдан қочиш стратегиясидир. Фойдани ўзгартириш, шартномавий харид қилиш ва оффшор корхоналардан фойдаланиш каби усуллар ҳукуматлар учун солиқ тушумларининг камайишига ва бозор хатти-ҳаракатларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Солиқлардан қочиш масаласини ҳал қилиш юрисдиктсиялар ўртасида мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларни ва қат'ий анти-солиқ чораларини талаб қилади.

2. Трансчегаравий операциялар: Молия бозорларининг глобаллашуви билан чегарадош қимматли қоғозлар билан операциялар тобора кенг тарқалган. Бироқ, юрисдиктсиялар бўйича турли хил солиқ қонунлари ва қоидалари икки томонлама солиққа тортишга, мувофиқлик юкига ва инвесторлар учун ноаниқликка олиб келиши мумкин. Трансчегаравий операциялар учун солиқ қоидаларини уйғунлаштириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш шаффофликни таъминлаш ва солиқ мураккаблигини камайтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

3. Тартибга солишдаги номувофиқликлар: турли активлар синфлари, инвестиция маҳсулотлари ва бозор иштирокчилари бўйича қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишнинг номувофиқлиги солиқ тизимида чалкашлик ва тенгсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Солиқ қоидалари, имтиёзлар ва чегирмалар бўйича аниқлик йўқлиги инвесторларнинг асосли қарорлар қабул қилиш ва қоидаларга риоя қилиш қобилиятига тўсқинлик қилиши мумкин. Солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва аниқ кўрсатмалар бериш

қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш самарадорлиги ва адолатлилигини ошириши мумкин.

4. Технология ва инновациялар: технология ва молиявий инновацияларнинг жадал ривожланиши қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишда янги муаммоларни келтириб чиқарди. Рақамли активлар, алгоритмик савдо ва марказлашмаган молия (ДеФи) каби муаммолар мавжуд солиқ қонунлари билан етарлича ҳал этилмастлиги мумкин бўлган ягона солиқ мулоҳазаларини тақдим этади. Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортишнинг долзарблиги ва самарадорлигини таъминлаш учун солиқ сиёсатини технологик ўзгаришлар ва пайдо бўлаётган тенденцияларга мослаштириш учун мослаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ муаммоларини ҳал қилиш учун эчимлар

1. Халқаро ҳамкорлик: Ахборот алмашиш, илғор тажриба алмашиш ва ўзаро ёрдам шартномалари орқали мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш солиқдан қочишга қарши кураш олиб боради ва трансчегаравий операциялар учун солиқ қоидаларининг изчиллигини ошириши мумкин.

2. Соддалаштириш ва равшанлик: Солиқ қонунчилигини соддалаштириш, аниқ кўрсатмалар бериш ва маъмурий юкларни камайтириш риоя қилишни кучайтириши, бозор самарадорлигини ошириши ва инвесторларнинг солиқ мажбуриятларини тушунишини осонлаштириши мумкин.

Солиқ сиёсатидаги инновациялар: Технологик ютуқлар, рақамли активлар ва ривожланаётган бозор амалиётини акс эттирувчи инновацион солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш қимматли қоғозлар билан операцияларнинг тез ўзгариб бораётган манзарасида солиққа тортишнинг долзарблиги ва самарали бўлишини таъминлаши мумкин.

Манфаатдор томонларнинг иштироки: фикр-мулоҳазаларни тўплаш, хавотирларни бартараф этиш ва шаффофликни рағбатлантириш учун манфаатдор томонлар, жумладан, инвесторлар, молия институтлари, тартибга солувчи органлар ва солиқ органлари билан ҳамкорлик қилиш қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишда ишончни кучайтириши ва солиқ сиёсати ислохотлари бўйича конструктив мулоқотни осонлаштириши мумкин.

Хулоса.

1. Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш молиявий тизимнинг зарур таркибий қисми бўлиб, даромад олиш ва бозор барқарорлиги мақсадларига хизмат қилади.

2. Қимматли қоғозлар билан операцияларда солиққа тортиш тамойилларини тушуниш инвесторлар учун солиқ қоидаларининг мураккаблигини йўлга қўйиш ва инвестиция стратегияларини оптималлаштириш учун жуда муҳимдир. Солиқ қонунлари ва тамойилларига риоя қилиш орқали инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида риоя этилишини таъминлаши, рискларни камайтириши ва солиқдан кейинги даромадларини максимал даражада ошириши мумкин.

3. Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортишдаги муаммолар солиқдан қочиш, трансчегаравий мураккабликлар, тартибга солишдаги

нормувофикликлар ва технологик тараққиёт каби муаммоларни ҳал қилиш учун фаол чоралар ва ҳамкорликдаги ҳаракатларни талаб қилади. Ҳукуматлар ва бозор иштирокчилари солиқ тизимида адолат, самарадорлик ва шаффофликни рағбатлантирадиган ечимларни амалга ошириш орқали қимматли қоғозлар билан операцияларнинг мураккаблиklarини самарали ва самарали бошқариши мумкин.

4. Қимматли қоғозлар билан операцияларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш қуйидагиларни инобатга олишни талаб этади:

-институционал инвесторлар фаолиятини кенгайтириш, эмитентлар бўйича чекловларни бартараф этишнинг солиқ дастаклари таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарур;

-давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятлари юқори ликвидли қимматли қоғозларини очиқ жойлаштиришга солиқ рағбатлари берилиши лозим;

-институционал инвесторлар сифатида банклар томонидан маълум чегаралар доирасида қимматли қоғозлар, хусусан акциялар билан муносабатларга рухсат бериш лозим;

-қимматли қоғозлар бўйича даромадларни фонд бозори аниқ йўналиш асосида изга тушиб олгунга қадар солиқлардан озод қилиш лозим;

-корпоратив облигациялар бозорини ривожлантириш орқали истиқболда инвесторлар ишончини қозониш, ундан кейин эса акциялар бозори кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони. – www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони.

3. Республиканская фондовая биржа «Тошкент», Фондовый рынок в цифрах в 2021 году.

4. Ш.М.Мирзиёев “2017 йил - шиддатли ислохотлар йили”. Т.: Ўзбекистон, 2018 . - 79б.

5. Беломытцева О.С. Оценка эффективности налоговых льгот для частных инвесторов на рынке ценных бумаг: методология и инструментарий. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.д.э.н. Новосибирск: 2022. - 57с..

6. Пробин П.С. Механизм налогообложения операций на рынке ценных бумаг и их совершаенствование. Авт.дисс.на соиск.уч.степ.к.э.н. М.: 2011.- 26 с.

7. Голояд А.Н. Зарубежнкй опыт налогообложения операций с ценными бумагами// Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 304-308.

8. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: новые горизонты.

<https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/4502-igor-butikov-rynok-tsennykh-bumag-uzbekistana-novye-gorizonty>

9. Одилов А. Капитал бозори орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўллари. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: ТМИ, 2021.-58 б.

10. Мухамедов Ф.Т. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини такомиллаштириш йўналишлари. DSc илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: ТМИ, 2019.- 60 б.

11. Бозоров А.Р. Реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизминини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати. – Т.: ТМИ, 2022. -54 б.

12. Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати -Т.: ТМИ, 2019. – 57 б.

13. Худойқулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. DSc илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши автореферати.–Т.: ТДИУ, 2021.-60 б.

14. Шохаъзамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 578 б..

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

